

**МУМИНОВ Нозим Гаффарович,**  
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон  
Миллий университети “Иқтисодиёт”  
факультети “Иқтисодиёт назарияси”  
кафедраси мудири, иқтисод фанлари  
номзоди, доцент

## “ХАЛҚ БЮДЖЕТИ” ВА УНИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЖОРИЙ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

УДК 336.14.01

### **МУМИНОВ Н.Г. “ХАЛҚ БЮДЖЕТИ” ВА УНИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЖОРИЙ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ**

Мақолада “халқ бюджети”нинг пайдо бўлиши тарихи, уни баъзи мамлакатлар амалиётга жорий этиш тажрибалари таҳлил этилган. “Халқ бюджети”ни жорий этиш босқичлари ва хусусиятлари, унинг маҳаллий аҳоли турмуш даражасига ижобий таъсирлари кўрсатилган.

Таянч иборалар: бюджет, “халқ бюджети”, маҳаллий аҳоли, маҳаллий ҳокимият, шаффофлик.

### **МУМИНОВ Н.Г. “НАРОДНЫЙ БЮДЖЕТ” И ВОПРОСЫ ПРИМЕНЕНИЯ ЕГО В УЗБЕКИСТАНЕ**

В статье проанализирована история возникновения “народного бюджета” и некоторые опыты применения их в зарубежных странах. Отражены этапы и особенности применения “народного бюджета”, а также его влияние на уровень жизни местного населения.

Ключевые слова: бюджет, “народный бюджет”, местное население, муниципальное правительство, прозрачность.

### **MUMINOV N.G. «NATIONAL BUDGET» AND ISSUES OF USING IT IN UZBEKISTAN**

The article analyzes the history of the emergence of the «people's budget» and some experiences of their application in foreign countries. The stages and peculiarities of the application of the «people's budget» are reflected, as well as its impact on the living standards of the local population.

Keywords: budget, «people's budget», local population, municipal government, transparency.

**2018 йилда Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да давлат Дастурида кўрсатилишича “Давлат бюджетини шакллантиришнинг тамомила янги принциплари ва механизмлари жорий этилди, унинг даромад ва харажатлари шаффофлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди. Давлат активларини бошқаришнинг самарадорлигини ошириш ва бюджетнинг даромад қисмини кўпайтиришга қаратилган ишга солинмаган захиралардан фойдаланиш чоралари кўрилди”<sup>1</sup>.**

Шу мақсадда бюджет харажатларини амалга оширишга янгича ёндашув масалалари муҳимдир. Аҳолини турмуш даражасини ошириш, жойларда ижтимоий муҳитни яхшилаш, фаровон ҳаётни таъминлаш мақсадида Ўзбекистонда “Халқ бюджети”ни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда. Бюджет тизимида ислохотларни амалга оширишдан аввал “Халқ бюджети”нинг моҳияти, тарихи, уни ўзига хос хусусиятлари, бошқа мамлакатларда жорий этилиши тажрибаларини таҳлил қилиб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

“Халқ бюджети”нинг тарихи ўтган асрнинг бошларида Буюк Британияда бошланган. 1909/1910 йил учун халқ бюджетини қабул қилиш либерал ҳукуматнинг таклифи бўлиб, унга биноан ер ва Британиянинг бойларига солинадиган даромад солиқлари юқори даражага кўтарилиб ушбу тўпланган маблағ ижтимоий таъминотнинг янги дастурларини амалга оширишга режалаштирилган эди. Ушбу бюджет 1909 йилда Парламентнинг қуйи палатаси муҳокамасидан ўтди, лекин Лордлар Палатаси томонидан бир йилга тўхтатилиб қўйилган эди ва 1910 йилнинг апрелида қонун кучига эга бўлди.

Ушбу лойиҳани ғазначилик канцлери Дэвид Ллойд Джордж ва унинг ёш ҳамфикри Уинстон Черчилль (ўша даврда Савдо палатаси президенти) ҳимоя қилишди. Улар баъзи консерватив замондошлари томонидан “Даҳшатли эгизаклар” деб номлангандилар<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида”ги 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сонли Фармони

<sup>2</sup> Geoffrey Lee - The People’s Budget: An Edwardian Tragedy

Черчилл биографи Уильям Манчестер халқ бюджетини “инқилобий концепция” деб номлаган эди, чунки бу британия тарихида бойликни бутун британия аҳолиси ўртасида текис тақсимлашга интилган биринчи бюджет эди<sup>3</sup>. Бу либерал ҳукумат ва кўпчиликни консерваторлар ташкил этган Лордлар Палатаси ўртасидаги низоларга сабабчи бўлди. Натижада 1910 йилда умумий сайлов ўтказилди ва 1911 йилда Парламент тўғрисида қонун қабул қилинди.

Халқ бюджети – бу ҳар бир фуқарони бюджет маблағларини тақсимида иштирок этиш имконидир. У маҳаллий бюджет маблағларининг бир қисмини маҳаллий аҳолидан ташкил топган комиссия томонидан тақсимланишини назарда тутди. Бу жараён маҳаллий аҳолини маъмурият билан бевосита алоқасини ва маъмурият фаолиятини шаффофлигини таъминлайди. Натижада фақатгина бюджет комиссияси аъзолари эмас, балки барча маҳаллий аҳоли у ёки бу қарорни қандай ва нима учун қабул қилинишидан хабардор бўладилар, бу эса фуқароларни бюджетни режалаштириш жараёнининг тўлақонли иштирокчиси бўлиш имкони беради.

Россия Федерацияси ҳудудларида бир неча йиллардан бери тажриба-синов тариқасида қўлланилиб келаётган “халқ бюджети” лойиҳасининг<sup>4</sup> тажрибаларини ўрганиб таҳлил қилиб чиқиш муҳим илмий мантиққа эгадир. Ушбу лойиҳалар доирасида коммунал инфратузилмани, маҳаллий аҳамиятдаги йўлларни, пиёда йўлкаларни, кўпқаватли уйлар олди майдонларни, ҳиёбонларни, спорт ва болалар майдончаларини, оммавий дам олиш жойларини, ма-

<sup>3</sup> William Manchester, The Last Lion: Winston Spencer Churchill, Visions of Glory 1874-1932 (1983), pp. 408–409.

<sup>4</sup> <http://belovskiezori.ru/index.php/obshchestvo/politika/2768-narodnyj-byudzhnet-cto-eto-takoe>; <http://priord.ru/index.php/smi/item/61-narodnyj-byudzhnet-cto-eto-takoe>

даният объектларини қуриш, тиклаш ёки таъмирлаш масалалари ҳал этилиши мўлжалланган.

“Халқ бюджети” лойиҳасининг амалга ошириш босқичлари. Маҳаллий аҳоли ташаббуси билан шакллантирилган лойиҳаларни маҳаллий ҳокимиятлар танлов асосида саралаб олади. Мисол учун, маълум бир аҳоли пунктида истиқомат қилувчилар болалар майдончасини қуриш қарорига келишган бўлса, ташаббускорлар гуруҳи ташкил этилиб ушбу гуруҳ маҳаллий ҳокимиятга ишлаб чиқилган лойиҳани амалга ошириш учун маҳаллий “халқ бюджети”га киритилишини сўраб мурожаат қилади. Шундан сўнг маҳаллий ҳомият ташаббускорлар гуруҳи билан биргаликда “халқ бюджети” лойиҳасида иштирок этиш учун ариза (буюртма) билан келишади. Ариза(буюртма)да қўйилаётган муаммонинг ижтимоий-иқтисодий тавсифи тўлиқ берилиши зарур.

Ариза (буюртма) қуйидаги ҳужжатларни ўзида мужассамлаштириши керак:<sup>1</sup>

- маҳаллий аҳоли ташаббуси билан шакллантирилган лойиҳа номи;
- келаси молия йилида лойиҳани молиялаштириш учун маблағ мавжудлигини тасдиқловчи маҳаллий бюджетдан кўчирма (бу ҳужжат ўз навбатида кафолат хати вазифасини бажаради);
- аҳоли, юридик шахслар ва тадбиркорлар томонидан ихтиёрий равишда қиладиган хайриялари ҳисобига биргаликда молиялаштириш дастурлари тўғрисида ахборот;
- ташаббускорлар гуруҳи бажлиси баённомаси;
- имзолар реестри;
- лойиҳалар доирасида ишлар амалга оширилиши режалаштирилган объектларга маҳаллий ҳокимиятнинг эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар;
- режалаштирилган ишларнинг умумлаштирилган смета ҳисоб-китоблари;
- объектнинг ҳозирги ҳолати бўйича фото-материаллар.

Лойиҳаларни танлови комиссияси топширилган ариза (буюртма)лар ва унга бириктирилган ҳужжатларни кўриб чиқади ва баҳолайди, танлов натижалари бўйича қарор қабул қилади ва танловдан ўтган лойиҳалар рўйхатини шакллантиради.

“Халқ бюджети” лойиҳасининг энг муҳим жиҳати шундаки, ҳудуддаги турмуш даражасини ошириш биринчи навбатда маҳаллий аҳолининг фаоллигига боғлиқлигидир. Айнан маҳаллий аҳолининг ўзи қандай лойиҳани амалга оширишни, қандай усул ва кучлар билан амалга оширишни ҳал этади. “Халқ бюджети” лойиҳаси узоқ йиллар давомида муаммо бўлиб турган масалаларни қисқа муддатда ҳал этиш имконини беради. Режалаштирилган лойиҳаларнинг муваффақияти биринчи навбатда, маҳаллий аҳолининг ўзига боғлиқдир. Маҳаллий аҳолининг ташаббуси ва фаоллиги маҳаллий ҳокимият томонидан қўллаб-қувватланиши керак.

“Халқ бюджети” лойиҳаси бўйича жаҳон тажрибасини чуқур таҳлил қилиш натижасида<sup>2</sup> уни молиялаштириш бўйича қуйидаги тавсияларни бериш мумкин: харажатларнинг асосий қисми вилоят бюджети зиммасига тушади. Ундан лойиҳанинг 50% ҳажмида маблағ ажратилиши зарур, 45% - туман бюджетидан молиялаштирилади, тахминан 5% аҳолининг маблағи ташкил этиши зарур. Лойиҳаларни ушбу схема орқали молиялаштирилиши “Халқ бюджети” лойиҳасини муваффақитини таъминлайди деб ҳисоблаймиз.

Ушбу лойиҳанинг асосий мақсади – бюджет маблағларини тақсимлаш нуқтаи назаридан аҳоли эҳтиёжларини қондиришга эришишдир. Лойиҳани “халқ бюджети” деб номланишини ўзи фуқаролар ташаббускорлигида янги йўналишни пайдо бўлиши ва ривожланишини англатади<sup>3</sup>. Бу эса, ўз навбатида, ҳудуд эҳтиёжлари учун бюджет маблағларини ўзлаштирилиши жараёнига маҳаллий аҳолини жалб этишга, маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятида шаффофликка эришиш, ҳамда аҳолини хабардорлиги ва молиявий саводхонлигини ошириш имконини беради. Лойиҳаларни амалга оширилиши қуйидаги вазифаларни бажаришга йўналтирилган бўлиши керак:

- маҳаллий ҳокимиятлар салоҳиятини ошириш;
- маҳаллий аҳамиятдаги муаммоларни устуворлик даражасини белгилашда аҳолини фаол иштирокини таъминлаш;

<sup>2</sup> Ўша ерда.

<sup>3</sup> <http://priord.ru/index.php/smi/item/61-narodnyj-byudzhet-chto-eto-takoe>

<sup>1</sup> <http://belovskiezori.ru/index.php/obshchestvo/politika/2768-narodnyj-byudzhet-chto-eto-takoe>

- лойиҳалар доирасида амалга ошириладиган ишларни тайёрлаш, бажариш, сифатини назорат қилиш ва қабул қилиш;

- объектларни бутлигини сақлаш ва таъминлаш;

- маҳаллий даражада қарор қабул қилиш жараёнига аҳолини жалб этиш ҳисобига бюджет харажатлари самарадорлигини ошириш;

- маҳаллий ҳокимият органлари фаолияти устидан жамоат назоратини кучайтириш.

Лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида “халқ бюджети”нинг махсус сайтини яратиш ва фаолиятини таъминлаш тажрибаси мавжуд<sup>1</sup>. Бунинг асосий сабаби лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида унинг барча иштирокчиларининг координациялашган фаолиятини таъминлаш зарурдир. Сайта эса лойиҳалар борасида мунтазам ахборот бериб борилади.

“Халқ бюджети” лойиҳасининг яна бир муҳим жиҳати шундаки, лойиҳаларни амалга оширишда маҳаллий аҳолининг қанчалик кўп қисми иштирок этса, шунчалик лойиҳа натижаларига эҳтиёткор муносабат, уларни асраб-авайлаш юзага келади<sup>2</sup>. Лойиҳада иштирок этувчи маҳаллий аҳоли уни рўйхатга олиш босқичидан то истемолчига топширилгунга қадар бўлган босқичларни ўз назоратига олишади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда Молия вазирлиги билан ҳамкорликда Бирлашган Миллатлар ташкилоти Тараққиёт Дастури “Халқ бюджети”ни тайёрлаш ва чоп этиш концепциясини ишлаб чиқишмоқда.

Ўзбекистон Бюджет кодексига мувофиқ, очиқлик ва ошкоралик - мазкур ҳужжат тамойилларидан ҳисобланади. Бу эса, давлат бюджетини тайёрлаш, кўриб чиқиш ва қабул қилиш тартиблари, тасдиқланган бюджет, давлат мақсадли жамғармалари фаолиятига доир ахборотларнинг эълон қилиниши ва уларнинг жамият ҳамда ОАВ учун очиқ ва шаффофлигини назарда тутати.

Бугунги кунда давлат бошқаруви органлари ва фуқароларнинг ўзаро ҳамкорлиги механизмлари тубдан ўзгарган. Янги муносабатлар давлат бошқаруви органлари билан фуқаролар ўртасидаги мулоқот - ҳукуматга бўлган ишонч ошишида муҳим воситадир. Яъни, фуқаролар билан мулоқотнинг йўлга қўйилиши бюджет

жараёни самарадорлигини оширади, бюджетни тизими, барча даражалардаги бюджетлар, давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари шакллантирилиши ва ижро этилиши тўғрисида кенг хабардор қилишни таъминлайди.<sup>3</sup>

Бирлашган Миллатлар ташкилоти Тараққиёт Дастури мутахассисларини таъкидлашича Халқаро Валюта жамғармасининг “Бюджет-солиқ соҳасида етарли шаффофликни таъминлаш бўйича кодекс”<sup>4</sup> давлат молия ахборотларини эълон қилишнинг халқаро меъёри ҳисобланади. Бундан ташқари, “Бюджет-солиқ соҳасида шаффофликни таъминлаш бўйича қўлланма”, “ХВЖнинг давлат молиявий статистикаси бўйича қўлланмаси” кабилар фискал шаффофлик бўйича халқаро меъерий ҳужжатлардир. Шунингдек, БМТ томонидан ҳам фискал шаффофлик концепцияси кенг қўлланилади. Ташкилот 2012 йили шу масала бўйича “Шаффофликка нисбатан юқори даража принциплари” концепциясини қабул қилинган.

Фискал шаффофликни баҳолаш амалиёти ХВЖ кодекси асосида ҳукумат сўрови бўйича ўтказилади ҳамда шу асосда тавсиялар беради. Бугунги кунда бюджет очиқлигини таъминлаш, асосан 4 та жиҳатни ўз ичига олади. Булар:

- Бюджет очиқлиги индекси – бу ҳукумат бюджет ҳужжатларини жамоатчилик эътиборига қанчалик ўз вақтида ҳавола қилгани, ҳар бир ҳужжат қайдаражада тўлиқ ёритилганини баҳолашдир.

- Қонун чиқарувчи ҳокимият органларининг бюджет жараёнида самарадорлигини баҳолаш;

- Бюджет жараёнида олий назорат органининг самарадорлигини баҳолаш;

- Бюджет жараёнида жамоатчиликнинг иштироки самарадорлигини баҳолаш.

Бирлашган Миллатлар ташкилоти Тараққиёт Дастури мутахассисларини таъкидлашича бюджет шаффофлигини таъминлаш учун бюджет тайёрланиш жараёнида, тасдиқланиш вақтида, ижро этилиши даврида ва аудит (ижросини текшириш) ўтказилишда эълон қилиниши мақсадга мувофиқдир. “Халқ бюджети” эса, расмий бюджет ҳужжатининг соддалаштирилган намунаси бўлиб, оддий мутахассис бўлмаган кишилар

<sup>3</sup> <http://kun.uz/news/2017/12/04/uzbekistonda-halk-budzeti-sakllantiriladi-va-budzet-izrosi-saffofligi-taminlanadi>

<sup>4</sup> <https://www.imf.org/external/np/fad/trans/rus/manualr.pdf>

<sup>1</sup> Ўша ерда.

<sup>2</sup> <http://proftula.ru/articles/301/38066/>

учун тушунарли тилда ёзилган бўлиши керак. Мутахассислар фикрича, бугунги кунда Марказий Осиё мамлакатлари орасида Қирғизистон бюджет шаффофлигини таъминлаш борасида етакчи давлатдир. Тожикистон ва Қозоғистон ҳам бу борада халқаро баҳолашни ўтказди. Шу сабабдан, республикамизда “халқ бюджети” лойиҳасини тайёрлаш ва жорий этиш жараёнларини жадаллаштириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, “халқ бюджети” лойиҳасини жойларда жорий этишдан олдин уни баъзи ҳудудларда тажриба сифатида қўллаб кўриш мақсадга мувофиқдир. Тадқиқотимизда ўрганилган тажрибалар европа миллатлари менталитетига хос бўлган ҳудудларда жорий этилган бўлиб, бизнинг осийча ментали-

тетимизга мос тушиш эҳтимолларини ўрганиб чиқишимиз зарур. “Халқ бюджети” лойиҳасини бизнинг маҳаллаларимизда ўтказиладиган ҳашарлар билан уйғунлаштириш “халқ бюджети” лойиҳасини тарихи Англияда бир аср олдин пайдо бўлганмикан, балким бу ҳолат асрлар давомида осийда ўтроқ ҳолда яшовчи аҳолининг ўз турар жой маҳаллаларини обод ҳолда тутиш аънанасини янгиланган, моддийлашган кўринишимикан саволга жавоб беришга мажбур қилади. Албатта ушбу лойиҳани пайдо бўлиши тарихини чуқур таҳлил этиш принципиал аҳамият касб этмайди. Фақатгина лойиҳани маҳаллий шароитларга мослаштиришда ўз аҳамиятига эга эканлигини тасдиқлайди.

### Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида”ги 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сонли Фармони
2. William Manchester, *The Last Lion: Winston Spencer Churchill, Visions of Glory 1874-1932* (1983), pp. 408–409.
3. <http://priord.ru/index.php/smi/item/61-narodnyj-byudzhet-cto-eto-takoe>
4. <http://belovskiezori.ru/index.php/obshchestvo/politika/2768-narodnyj-byudzhet-cto-eto-takoe>
5. <http://proftula.ru/articles/301/38066/>
6. <http://kun.uz/news/2017/12/04/uzbekistonda-halk-budzeti-sakllantiriladi-va-budzet-izrosi-saffofligi-taminlanadi>
7. <https://www.imf.org/external/np/fad/trans/rus/manualr.pdf>